СССР Давлат китоб палатаси
Инв. №
Гос. книжная палата УзССР
22 АВГ 1984
ОПИСАНО

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 186 (18.962). ● Чоршанба, 15 август 1984 йил ● Баҳоси 3 тийин.

МЎЛ ҲОСИЛНИ КЎЗЛАБ

СУВЧИГА МУКОФОТ

● **Ғуломжон Назаров ўттиз йилдан ошибдики, Ленин районидаги «Ўзбекистон» колхозида сувчилик касбини улуғлаб, самарали меҳнат қилиб келмоқда.**

— Шу давр ичида у юзлаб шогирдларга устозлик қилди. У сув тараётган иккинчи бригада далаларидаги ғўза ниҳоллари гуркираб ривожланмоқда. Ҳар туп ғўзада ҳозиргача 8—10 тадан бўлиқ кўсак санаш мумкин.

— Мен ғўзаларни кўпроқ тўнда суғораман, — дейди Ғ. Назаров. — Тунда суғоришнинг нафи катта. Ғўза қониб сув ичади, ҳосили тез ривожланади. Шогирдларимга ҳам шуни ўргатяпман.

Яқинда колхоз правлениеси миришкор сувчининг меҳнатларини тақдирлаб, уни «Жигули» енгил автомашинаси билан мукофотлади.

Э. РАҲИМОВ.

БЎЛИҚ КЎСАКЛАР

● **Фарғона область, Киров районидаги «Москва» колхози пахтакорлари ҳар туп ғўзани сераваж ва серҳосил қилиб ўстириш учун астойдил меҳнат қилишмоқда.**

Мавжуд 1240 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» хирмони яратиш иштиёқида тер тўкаётган колхоз меҳнаткашлари ғўзани қондириб суғоришяпти. Сувчилар ғўзаларни «шарбат» усулида суғоришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу ишлар колхознинг Тўғонбой Пўлатов, Йўлдошали Отахонов, Алиназар Нишонов, Меҳмонали Маниопов каби коммунистлар етакчилигидаги бригадаларида, айниқса, намунали ташкил этилган. Меҳр билан парвариш қилинган ғўзаларнинг ҳар тупида 8-10 тадан бўлиқ кўсак санаш мумкин.

Ҳ. ТОЖИМАТОВ.

ДЎСТОНА СУҲБАТ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Норвегия Коммунистик партияси Раисининг ўринбосари Трюгве Хоргенни 14 августда қабул қилди. Бўлиб ўтган дўстона суҳбатда меҳмон Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўраётган республика ишчилари, колхозчилари, зиёлиларининг турмуши билан, Ўзбекистон партия ташкилотининг меҳнаткашларни партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумлари қарорларни, ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган йўл-йўриқлар ва тавсияларни муваффақиятли бажаришга сафарбар қилиш соҳасидаги фаолияти билан таништирилди. Суҳбат чоғида КПСС билан Совет давлатининг Европада ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликни сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган тинчлик ташаббуслари муҳимлиги таъкидланди.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

Партиянинг қўйи бўғини — партия группалари цех ва бошланғич ташкилотларда ҳисобот ва сайлов йиғилишлари бошланмоқда. Бу муҳим кампания республикамиз меҳнаткашлари партия ташкилотлари етакчилигида жуда катта социал-иқтисодий вазифаларни муваффақиятли амалга ошираётган, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллигини муносиб нишонлаш учун меҳнат ташаббускорлиги ҳар қачонгидан кучайган бир пайтга тўғри келди. Коммунистлар бу йиғилишларда КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль ва апрель Пленумларининг қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг кўрсатмалари ва тавсиялари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида партиянинг қўйи бўғинида амалга оширилаётган ишларни, кун тартибида турган вазифаларни юксак партиявий принципиаллик билан қараб чиқа бошладилар.

Меҳнат коллективларининг сиёсий негизи партия группалари, цех ва бошланғич партия ташкилотлари янги инсонни камол топтиришда, бутун кучни ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлиги резервларини ҳаракатга келтириш учун курашга сафарбар этишда, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, илмий ечимларни ишлаб чиқаришга қатъият билан жорий этишда ғоят муҳим роль ўйнамоқдалар. Улар коммунистик қурилишнинг олдинги марраларида иш олиб бориб, асосий эътиборни коллектив аъзоларининг меҳнатдаги ва ижтимоий турмушдаги активлигини кучайтиришга қаратаётгирлар. Меҳнаткашларнинг куч-ғайрати ва ташаббускорлигини ўн биринчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш, юбилейолди социалистик мусобақасини авж олдиришга сафарбар этишда уларнинг роли тобора ошиб бораётир.

Партия ташкилотининг кучи у бирлаштириб турган коммунистларнинг оз ёки кўплиги билан эмас, балки ҳар бир аъзосининг юксак онглилигини, қўйилган мақсадларни рўёбга чиқариш йўлидаги курашда принципиаллиги ва активлиги, шахсий ташаббускорлиги билан белгиланади. Кейинги йилларда республикада партия қўйи бўғини структурасини такомиллаштириш борасида кўп иш қилинди. Тошкент ва Фарғона, Самарқанд ва Сурхондарё областларида кўплаб партия группалари, цех ва бошланғич партия ташкилотларини кўрсатиш мумкинки, уларда меҳнатни ташкил этиш, сиёсий-тарбиявий ишларни йўлга қўйишнинг кундалик ва истиқбол вазифаларини яхлит ҳал этишда муайян тажриба тўпланган. Коммунистлар йиғилишларда ана шу тажрибани умумлаштиришлари, меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив усулларини хусусан, коллектив пудратини изчил жорий этиш, маданий ва маънавий ҳаётдаги проблемаларни собитқадам ҳал қилиш йўлларини биргаликда ишлаб чиқишлари керак.

Маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган XVI пленуми партия, давлат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни янада яхшилашнинг жуда катта вазифаларини белгилаб берди. Пленумда социал-иқтисодий ҳаётимиздаги, кадрлар билан ишлашдаги, идеологик, сиёсий-тарбиявий ишимиздаги камчилик ва нуқсонлар ленинча партиявий принципиаллик билан қараб чиқилди, уларга барҳам беришнинг конкрет йўл-йўриқлари аниқлаб олинди. Ҳозир республика партия ташкилотларида кўзбўямачилик, ошириб ёзиш, дабдабабозлик, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш ва бошқа хилдаги салбий ҳолатларга қаршн кескин, муросасиз кураш олиб борилмоқда. Биноbinoрин, ҳисобот-сайлов йиғилишларида шу сингари камчиликлар тўғрисида рўй-рост, ошкора холис фикр юритилмоғи, ҳар бир коллективда ўзаро талабчанлик, камчиликларга муросасизликни кучайтирувчи соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш чоралари кўрилмоғи лозим. В. И. Ленин таълим берганидек, ишдаги камчиликларни тўғридан тўғри, дипломатлик қилмай, бачкана умидларга кўз тикмай, рўй-рост юзга айтмоқ, у ёки бу ходимнинг фаолиятидаги нуқсонларни, партия коллективи ҳаётидаги камчиликларни ошкора ва принципиал муҳокама қилмоқ даркор.

Бу йил ҳисобот-сайловлар ғоят масъулиятли даврда ўтаётир: партия ўзининг навбатдаги XXVII съездига тайёргарликни кенг кўламда бошлаб юборди. Шу боисдан коммунистлар ўн биринчи беш йиллигининг тўртинчи йилини барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли якунлаш, келгуси йил юксак меҳнат суръати учун пухта замин яратиш чораларини белгилашлари даркор. Бу, аввало, ҳар бир иш жойида пухта тартиб-интизом ўрнатиш, ишда уюшқоқлик ва юксак маромни таъминлаш, коммунистларнинг авангардлигини кучайтириш демакдир. Партия группалари, цех ва бошланғич партия ташкилотлари ишчанликни, ишга ижодий муносабатни тарбиялашни кучайтиришлари зарур.

Ҳисобот даври КПСС Марказий Комитетининг сўнгги Пленумлари қабул қилган қарорлар таъсирида маънавий ҳаётда, идеологик, сиёсий-тарбиявий ишни ташкил этишда ленинча анъаналарни қарор топтириш йўлида қатъий иш олиб борилаётганлиги билан характерланади. Партия сиёсий маорифини ва иқтисодий умумтаълимни такомиллаштириш, ленинча сиёсий кунлар, оғзаки ва кўргазмали агитациянинг бошқа формаларн меҳнаткашларда сиёсий онглиликни, ғоявий эътиқодни чиниқтириб, меҳнат қўтарилишлигини кучайтиришга тобора самарали таъсир кўрсатаётир. Айни пайтда бу ғоят муҳим ишда расмиятчилик кўринишлари содир бўлаётганлиги, юзакичиликка йўл қўйилаётганлигини ҳам унутмаслик керак. Шу боис йиғилишларда тарбиявий ишнинг аҳволи атрофлича таҳлил қилинмоғи, идеология активи фаолиятидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш йўллари белгиланмоғи даркор. Бу ишда мастерлар, ўрта бўғин кадрлари, раҳбар ва мутахассис ходимларнинг иштирокини янада активлаштирчш лозимлигини унутмаслик керак.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида меҳнаткашларнинг жамоат ташкилотлари, аввало, касаба союз ва комсомол қўйи бўғини фаолиятини активлаштириш масаласига алоҳида эътибор берилмоғи лозим. Ана шу ташкилотларда иш олиб бораётган коммунистларнинг топширилган ишнинг пировард натижаси учун масъулиятини ошириш муҳимдир. Шунга эришмоқ керакки, ҳар бир жамоат ташкилоти ташаббус кўрсатиб иш олиб борсин, меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, иш шароитини яхшилаш, мусобақа самарадорлигини ошириш, мураббийлик ҳаракатини кучайтириш масалаларини ишчанлик билан ҳал қилсинлар.

Ҳисобот-сайловлар партия ташкилотлари сифат составини яхшилашда муҳим палладир. Партия группалари, цех ва бошланғич ташкилотлар етакчилигига ғоявий етук, муҳим партия топшириқларини бажариш жараёнида ташкилотчилик қобилиятини, одамлар билан ишлаш маҳоратини ёркин намоён этган коммунистларни сайлаш лозим. Партияда сайлаб қўйилган ҳар қандай лавозим ғоят масъулиятли бўлиб, партияли ўртоқлар ишончи амалий ишлар билан оқланиши зарурлигини асло унутмаслик керак.

Партия комитетлари партия қўйи бўғинида ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларига пухта тайёргарлик кўрилиши, улар уюшқоқлик билан ўтишига эришмоқлари зарур. Тайёргарликка коммунистларнинг кенг қатламини фаол жалб этиш, ҳисобот давридаги ишларни чуқур, атрофлича ўрганиб чиқиш, ижобий тажрибаларни умумлаштириб, мавжуд камчиликларнинг сабабларини аниқлаб олиш айниқса муҳим. Бу йиғилишларда ҳар бир коммунист активлигига эришишда, танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтиришда ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Коммунистлар билдирган танқидий фикр ва мулоҳазалар, таклиф ва истаклар аниқ ҳисобга олинишн, улар юзасидан конкрет тадбирлар кўрилиши партия қўйи бўғини жанговарлигини ошириш, ижтимоий ҳаётдаги активлиги ва ишлаб чиқаришдаги авангардлигини кучайтиришнинг зарур шартидир.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида меҳнаткашларнинг жамоат ташкилотлари, аввало, касаба союз ва комсомол қўйи бўғини фаолиятини активлаштириш масаласига алоҳида эътибор берилмоғи лозим. Ана шу ташкилотларда иш олиб бораётган коммунистларнинг топширилган ишнинг пировард натижаси учун масъулиятини ошириш муҳимдир. Шунга эришмоқ керакки, ҳар бир жамоат ташкилоти ташаббус кўрсатиб иш олиб борсин, меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, иш шароитини яхшилаш, мусобақа самарадорлигини ошириш, мураббийлик ҳаракатини кучайтириш масалаларини ишчанлик билан ҳал қилсинлар.

Ҳисобот-сайловлар партия ташкилотлари сифат составини яхшилашда муҳим палладир. Партия группалари, цех ва бошланғич ташкилотлар етакчилигига ғоявий етук, муҳим партия топшириқларини бажариш жараёнида ташкилотчилик қобилиятини, одамлар билан ишлаш маҳоратини ёркин намоён этган коммунистларни сайлаш лозим. Партияда сайлаб қўйилган ҳар қандай лавозим ғоят масъулиятли бўлиб, партияли ўртоқлар ишончи амалий ишлар билан оқланиши зарурлигини асло унутмаслик керак.

Партия комитетлари партия қўйи бўғинида ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларига пухта тайёргарлик кўрилиши, улар уюшқоқлик билан ўтишига эришмоқлари зарур. Тайёргарликка коммунистларнинг кенг қатламини фаол жалб этиш, ҳисобот давридаги ишларни чуқур, атрофлича ўрганиб чиқиш, ижобий тажрибаларни умумлаштириб, мавжуд камчиликларнинг сабабларини аниқлаб олиш айниқса муҳим. Бу йиғилишларда ҳар бир коммунист активлигига эришишда, танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтиришда ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Коммунистлар билдирган танқидий фикр ва мулоҳазалар, таклиф ва истаклар аниқ ҳисобга олинишн, улар юзасидан конкрет тадбирлар кўрилиши партия қўйи бўғини жанговарлигини ошириш, ижтимоий ҳаётдаги активлиги ва ишлаб чиқаришдаги авангардлигини кучайтиришнинг зарур шартидир.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

ЕМ-ХАШАК, ОЗУҚА ТАЙЁРЛАНГ

Пахтакор районидаги «Пахтакор» совхозининг Турдиали Боймирзаев бошлиқ бригадаси миришкорлари пайкалларида бўй чўзиб турган бўлиқ сўтали маккажўхори туплари бригада коллективининг ҳар гектар ердан 80 центнердан «каҳрабо дон» йиғиштириб олиш мажбуриятлари шараф билан бажарилишидан далолат бериб турибди. Маккажўхорикорлар кунлик кеча районда биринчилардан бўлиб ўрим-йиғимни бошлаб юбордилар. Ишда коммунист Латиф Бойсарнев бошлиқ механизациялашган отряд механизаторлари алоҳида ғайрат кўрсатишмоқда. Улар кунлик топшириқларини 1,5-2 ҳисса бажаришга эришмоқдалар. Суратларда: илғор механизатор У. Анорбоев ва ўрим пайти тасвирланган.

Содиқзода фотолари.

Олтин сўталар

Қува районн далаларида «Каҳрабо дон» мавсуми бошланди. Калинин номли колхоздан Аҳмад Рўзиев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасининг деҳқонлари ўримйиғим мавсуми байроғини биринчи бўлиб кўтардилар. Комбайнларнинг биринчи айланиб ўтишидаёқ мўл ҳосил етиштирилгани маълум бўлди. Бу ерда ҳар гектар ердан планда белгиланган 65 центнер ўрнига ўрта ҳисобда қариб 100 центнер дон олинмоқда.

Энг яхши механизаторлардан Абдукарим Отажонов, Абдумутал Бозоров, Муҳаммаджон Низомов, Фазлиддин Раҳмоновлар ҳосилни қисқа муддатда — бир ҳафта ичида сира нобуд қилмай ўриб-йиғиб олишга интилмоқдалар. Комбайнлар кетидан плуглар ишга солинмоқда.

Қува районидаги «Коммунизм», Тошлоқ районидаги «Оқ олтин» колхозларининг ва Фарғона областидаги бошқа хўжаликларнинг деҳқонлари ҳам маккажўхори ўримига киришдилар.

(ЎзТАГ).

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

СУСТКАШЛИК ҚАЧОНГАЧА?

Ниншон районидаги Ибн Сино номли совхоз маккажўхоричиликка ихтисослаштирилган. Мамлакат озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун курашаётган хўжалик миришкорлари асосий эътиборни ҳосилдорликни ошириш йўли билан мўл-кўл «каҳрабо дон» ва силос бостиришга қаратмоқдалар. Совхозда бу йил 1000 гектар майдонга уруғ экилиб, қийғос ундириб олишга эришилди. Экин ўз вақтида комплекс ишловдан чиқарилганлиги, минерал ва маҳаллий ўғитлар билан етарли озиқлантирилганлиги туфайли барча майдонларда план ва социалистик мажбуриятларни бемалол қоплайдиган даражада ҳосил етиштирилди. Айниқса Саъдулла Убайдуллаев, Мамараҳим Бобоқулов, Карим Баратов, Искандар Рашидов бошлиқ бригадалардаги серсўта маккажўхори кўзни қувонтиради.

Маккажўхорикорлар ўримйиғимни қисқа муддатларда тугаллаш мақсадларида аниқ тадбирлар ишлаб чиқдилар. 9 та серунум «Херсонец-200» агрегати учта механизациялашган отрядга биркитилди. Ҳар бир агрегат, транспорт тракторн ва бошқа механизмлардан унумли фойдаланиш режалари белгиланди.

Аммо айни кунларда хўжалик далаларида бўлган кишн ўрим-йиғим суръатидан асло қониқиш ҳосил қилмайди. Учта комбайн совхоз устахонасида қантариқлик тирибди. Далада ишлатилаётганларининг ҳам унуми кўнгилдагидек эмас. Гоҳ униси, гоҳ буниси бузилиб қолади. Механизаторлар соатлаб, баъзан кунлаб уриниб агрегатларни ишлатишга эришадилар. Аммо, улар бир неча соат ишламасдан тўхтаб қолади. Яна юғур-юғур бошланади.

Даладамиз, Қарийб учдан бир қисми ўриб олинган пайкал ўртасида «Херсонец» комбайни кўринди. Уч-тўртта одам қўлларидаги ключ билан агрегатнинг қаерларинидир созлашмоқда.

— «Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар» деган нақл худди бизнинг тўғримизда айтилгандек, — дейди механизатор Ю. Каранеец мойли латтага қўлини артиб, биз билан кўришар экан. — Комбайнларимиз бир кун яхши ишласа, икки кун бекор туриб қоляпти. Уларни ўз кучимиз билан кўнгилдагидек созлай олмаяпмиз. Чунки эҳтиёт қисмлар етишмайди. Кеча ҳамкасбларимиз билан ҳисоблаб чиқсак 17 хил эҳтиёт қисм жуда зарур экан.

Аммо «Госкомсельхозтехника» район бирлашмаси раҳбарларининг парвойи палак. Эҳтиёт қисм сўраб берган заявкаларимиз қоғозда қолиб кетяпти. Кўпинча ўзимиз бир амаллаб комбайнларни юргизишга эришяпмиз. Аммо улар ҳам ишларишламас тўхтаб қоляпти.

Дала айланар эканмиз силос учун экилган майдондаги маккажўхори туплари саргайиб, сўталаридаги дон қотиб бораётганлигини кўриб ғоятда ачиндик. Ахир маккажўхори муддатидан ўтказиб ўрилса пояси дағаллашади. Унинг таркибидаги микроэлементлар йўқолади. Ўз-ўзидан равшанки бундай силосннг шираси бўлмайди. Натижада моллар уни иштаҳа билан емайди. Нушхўрда кўп чиқиб кетади. Моллар маҳсулдорлиги пасаяди.

Совхозда бу йил 500 гектар ерга дон учун, 500 гектар ерга силос учун маккажўхори экилган. Хўжалик коллективи ҳар гектар ердан 60 центнердан «каҳрабо дон», 300 центнердан қўқпоя етиштириш мажбуриятини олишган. Юқорида айтганимиздек далаларда тўпланган ҳосил кўзланган марраги эгаллаш учун етарли. Бироқ ҳосил ўрим-йиғимида йўл қўйилаётган сусткашлик, планнинг ўз вақтида бажарилишини хавф остига қўймоқда. Хўжаликда ҳозирга қадар 150 гектар атрофидаги маккажўхори ўриб олинди. Агар аҳвол шундай давом этадиган бўлса, минг гектар майдондаги маккажўхорини қачон йиғиштириб олиш мумкин? Бундан ташқари пешана тери эвазига етиштирилган ҳосил нобуд бўлиши мумкин-ку!

— Барча майдонлардаги ҳосилни 20 иш кунида батамом саранжомлаб олишни мўлжаллаганмиз, — дейди совхоз директори Сувон Баратов. — Аммо «Госкомсельхозтехника» район бирлашмаси раиси Н. Ҳайтовнинг олдига қатнаш, унинг қуруқ ваъдаларини эшитиш билан ишда ўзгариш ясай олмаяпмиз. Наҳотки бирлашма раҳбарлари мавсумда комбайнларнинг эҳтиёт қисмларига талаб ортишини билишмаса?

Билишади. Лекин улар ўзибўларчилик, масъулиятни ҳис қилмаслик касалига мубтало бўлишган. Аввало «Госкомсельхозтехника» район бирлашмаси устахоналарида техника воситаларини сифатли ремонт қилишга етарли эътибор берилмайди. Назорат сустлиги, интизомнинг бўшаштириб юборилганлиги туфайли бу ерда мендан кетгунча қабилда иш тутиляпти. Оқибатда кўплаб агрегатлар оз муддат ишламасдан бузилиб қоляпти. Кўплаб узеллар муддатидан илгари ишдан чиқмоқда. Техника воситаларининг яхши ишламаслиги оқибатида деҳқонларнинг йил бўйи қилган меҳнатининг самараси кўринмаяпти.

Совхозда ўрим-йиғим суръатининг пастлигига фақат техника воситаларининг кўп бузилиши ва эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги сабаб бўлаётгани йўқ. Хўжаликда агрегатларни бошқарадиган малакали кадрлар етишмайди. Бунга асосий сабаб нима? деб берган саволимизга совхоз директори шундай жавоб берди:

— Хўжалигимиз қўриқ ерда ташкил этилган. Далада ишловчилар учун етарли шарт-шароитларга эга эмасмиз. Бизда айниқса уй-жой етишмайди. Республика Қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 19-қурилиш трести бу борада бизга панд беряпти. Уйлар қурилиши йилда-жўлда. Тайёрлари ҳам талабга жавоб бермайди. Агар трест раҳбарлари қурилишни тезлатсалар биз ҳам етарли ишчи кучига эга бўлиб, белгиланган марраларимизни ўз вақтида бажаришга эришамиз.

Кўриниб турибдики, муаммолар ҳал этилмас экан. ишда бурилиш ясалиши қийин. Ўйлаймизки, «Госкомсельхозтехника» район бирлашмаси, қурилиш трести раҳбарлари ишда ижобий бурилиш ясайдилар. Совхоз дирекцияси эса ўз навбатида ўрим-йиғимни қисқа муддатда якунлаш учун оператив чоралар кўради.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ЗЎР ҚИЗИҚИШ

Тропик Африка мамлакатларидаги совет маданият марказлари ҳузурида ташкил қилинган рус тилини ўрганиш курслари тингловчиларидан бир группаси Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда. Меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти активлари билан учрашдилар.

Кейинги йилларда Африкадаги бошқа мамлакатларда бўлгани сингари республикамизда ҳам рус тилини ўрганишга бўлган қизиқиш анча ошди, деб таъкидлади Мозамбик Халқ Республикасининг вакиласи, ФРЕЛИМО партияси Марказий Комитетининг аъзоси Гезимане Деоминде. Рус тили совет кишилари билан бевосита алоқа боғлашга, социализм ғалаба қозонган биринчи мамлакат тўғрисида кўп нарсаларни билиб олишга ёрдам бермоқда. Биз Ватанимизда Ўзбекистон вакиллари билан тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб турамиз. Улар бизга кўпмиллатли Советлар мамлакатида алоқа воситаси бўлган рус тили нақадар муҳим роль ўйнаётганлиги ҳақида гапириб бермоқдалар. Сизларнинг мутахассисларингиз мустамлакачиликнинг кўп асрлик асоратидан халос бўлган Мозамбик халқига қолоқликни бартараф этишда, саноат ва қишлоқ хўжалигини юксалтиришда ёрдам бермоқдалар, чинакам пролетар интернационализми намунасини кўрсатмоқдалар. Улар уй-жойлар, гидроиншоотлар қуришда бизга кўмаклашмоқдалар, пахта етиштиришни ўргатмоқдалар.

Биз, Африкадаги мустақил мамлакатларнинг намояндалари, деди сўзининг охирида мозамбиклик меҳмон, СССРда бўлган вақтимизда тил соҳасидаги билимларимизни такомиллаштириш учунгина эмас, шу билан бирга социализм қурилишида совет кишиларининг тажрибасини чуқур ўрганиш учун ҳам фойдаланамиз.

(ЎзТАГ).

«ПРОГРЕСС-23» УЧИРИЛДИ

ТАСС АХБОРОТИ

«Салют-7» орбитал илмий станцияси ишлаб туришини таъминлаш программасига мувофиқ 1984 йил 14 август куни Москва вақти билан соат 10 дан 28 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Прогресс-23» автомат юк кемаси учирилди.

Кеманн учиришдан мақсад сарфланувчи материаллар ва турли юкларни орбитал станцияга етказишдан иборатдир.

Телеметрик информация маълумотларига кўра, автомат юк кемаси ичидаги системалар нормал ишламоқда.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Корея Меҳнат партияси Маъмурий кенгашининг бош секретари, КХДР Президенти ўртоқ Ким Ир Сенга ва КХДР маъмурий кенгашининг бош министри ўртоқ Кан Сен Сангга телеграмма йўллаб, Корея озод этилганлигининг 39 йиллиги муносабати билан Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетини, КХДР Марказий халқ комитетини, КХДР Маъмурий кенгаши ва корейс халқини самимий табрикладн.

Телеграммада айтилдики, 1945 йил 15 августда Совет Армияси Япония милитаризмининг сара кучларини тормор келтиргаилги натижасида Кореяни озод этиш тарихий вазифаси ҳал этилди. Корейс халқи чет эл зулми кишанларини улоқтириб ташлаб, ўз ватанини эркин демократик ва социалистик ривожлантиришга киришди.

Халқ Кореясининг меҳнаткашлари озод бўлганидан кейин ўтган йиллар мобайнида Меҳнат партияси раҳбарлигида катта социал-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширди, империализмга қарши курашда Ватаннинг мустақиллигини ҳимоя этди. Улар янги жамият қуришда катта-катта муваффақиятларга эришдилар. Янги Кореяда ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлиларнинг фидокорона меҳнати билан социалистик экономиканинг мустаҳкам базаси яратилди, фан ва маданият муттасил ривожланиб бормоқда, халқ фаровонлиги ошмоқда.

Совет кишилари қардош корейс халқи социализм қурилишида эришган ютуқларни қизғин табриклайдилар, унинг Жанубий Кореядан чет эл қўшинларини олиб чиқиб кетиш ва четдан бирон бир аралашувсиз ватанни тинч йўл билан бирлаштириш учун олиб бораётган одилона курашин ҳамиша қўллаб-қўлтиқлайверадилар.

КМП Марказий Комитети Бош секретари, КХДР Президенти Ким Ир Сен бошчилигидаги КХДР партия-давлат делегациясининг яқинда Совет Иттифоқига қилган визити, Совет ва Корея раҳбарлари ўртасида Москвада ўтказилган учрашувлар ва музокаралар мамлакатларимиз ва партияларимиз ўртасида марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларига асосланган дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари совет ва корейс халқларининг фаровонлиги, Узоқ Шарқда, Тинч океан районида, Осиёда ва бутун дунёда империализмнинг агрессив кирдикорларини барбод этиш, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш манфаатлари йўлида янада ривож топишига ишончимизни мустаҳкамлайди, дейилади телеграммада.

Ким Ир Сен КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненкога йўллаган телеграммада Корея Япония империализми мустамлака ҳукмронлигидан озод этилганлигининг 39 йиллиги муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, СССР ҳукуматига ва совет халқига қизғин қардошлик саломи баён этилган.

Иккинчи жаҳон урушн йилларида халқаро фашизмга қаршн кураш оғирлигини ўз зиммасига олган Совет Иттифоқининг Японияга қаршн урушда қатнашуви корейс халқининг ватанни қайта тиклаш учун курашига қатъиян қўлай вазият вужудга келтирди. Халқимиз қаҳрамон Совет Армияси билан биргаликда Япония империалистик босқинчиларнин тор-мор келтириб, 15 августда озодликка эришганлиги тарихий воқеа бўлиб, халқимизнинг мустақиллик ва социализм учун курашида янги бир даврни бошлаб, Корея — Совет дўстлик муносабатларнин ривожлантиришда янги босқичларга замин яратди, дейилади телеграммада.

Халқимиз мамлакат озод бўлганидан сўнг Америка империалистлари ва гумашталарининг бир қанча агрессив кирдикорларнин партиямиз раҳбарлигида даф этиб, шу диёрда равнақ топаётган мустаҳкам социалистик давлатни қурди, эндиликда Жанубий Кореядан Америка қўшинларини олиб чиқиб кетиш ва социализмнинг тўла ғалабасига эришиш йўлида мамлакатнинг мустақил тинч йўл билан бирлашувнни амалга ошириш учун актив курашмоқда.

Халқимиз ватанни тиклаш ишида халқимизга астойдил ёрдам берган Совет Иттифоқининг халоскорлик ролини унутмайди, совет халқи синфий иттифоқчи, революцион сафдош сифатида халқимизнинг ҳаққонй ишини ҳамиша актив равишда қўллаб-қувватлаётганлиги учун миннатдордир.

Анъанавий Корея—Совет дўстлиги мустаҳкам бўлиб, марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларига асосланади. У империализмга қаршн, тинчлик ва социализм, коммунизм буюк ишнинг тантанаси учун узоқ муддат биргаликда олиб борилган кураш чоғида мустаҳкамланди.

Яқинда Совет Иттифоқига қилган визитимиз ажойиб муваффақиятларга эришганлигини зўр мамнуният билан қайд этар эканман, партияларимиз, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидагн қардошлик ва дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларн учрашувларимизда келишиб олинган руҳда ҳамма соҳаларда янада кенгайиб, ривож топади деб ишонч билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, дейилади телеграммада, КПСС XXVI съезди ва партия Марказий Комитети кейнгги Пленумларининг қарорларини амалга ошириш, Европа, Осиё ва бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилиш йўли билан ривожланган социалистик жамиятни такомиллаштириш учун курашда Сизга ва қардош совет халқига янада катта муваффақиятлар тилайман.

(ТАСС).

ФАН—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ҲАМ АРЗОН, ҲАМ ҚУЛАЙ

Айтайлик, машина ёки механизмнинг бирон бир зарур детали ишдан чиқди. Эҳтиёт қисм бўлса-ку яхши, акс ҳолда базама-база излашга, ҳар қаёқдан суриштиришга, топилмаган тақдирда уни тайёрлаган заводга талабнома юбориш, ҳатто бориб олиб келишга мажбур бўласиз. Чунки, у, деталсиз ҳар қандай қудратли машина ёки мураккаб механизм ишламайди, бинобарин металл-ломдан фарқи бўлмай қолади. Ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларида бу ҳол учраб туриши, табиий, Негаки, ҳар қандай машина, механизм пайти келиб эскиради, ишдан чиқади.

Корхоналар, металл эритиш заводлари олдида уюлиб ётган темир-терсакларни кўрганмиз. Чиқитга айланган бу детал ва ускуналар қайта эритиш учун қуюв цехларига жўнатилади. Бу ердан улар навбатдаги умрини давом эттиришади. Табиийки, деталларнинг ишдан чиқиши, металл-ломни эритиб, қайтадан ҳаётга йўлланма берилиши ортиқча сарф-харажат ва ишчи кучи талаб қилади. Бунинг олдини олиш йўлларидан бири ишлаб чиқарилаётган машина-механизмларнинг пишиқ-пухталигини таъминлаш, хизмат муддатларини узайтиришдан иборат. Шунинг учун КПСС XXVI съездида металлар ва қотишмалар, металл конструкциялар ва қувурларнинг пишиқ-пухталик хусусиятларини, занглашга чидамлилигини, иссиқ ва совуққа бардошлилигини оширадиган юксак даражада самарали методлар ишлаб чиқиб, жорий этиш, металл кукунлари, қотишма кукунлари ва қийин эрийдиган бирикмалар асосида янги конструкцион материаллар, қопламалар ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш фан-техника тараққиётининг муҳим вазифаси сифатида белгилаб берилди.

Съезд қарорларини бажариш борасида москвалик, киевлик ва харьковлик олимлар ажойиб илмий изланишларни олиб бориб, ишдан чиққан деталларнинг ейилишига чидамли металл кукунлари ва қопламаларни эритиб қўйиш асосида хизмат муддатини узайтириш усулини топишди. Бу усул Навоий шаҳар корхоналарида ишлаб чиқариш новаторлари томонидан муваффақият билан амалиётга жорий этила бошланди.

Қизилтепа насос станцияси ишчилари бир воқеани ҳалигача яхши эслашади. Ўшанда агрегатлардан бирининг сув чиқариш қуввати тўсатдан пасайиб кетди. Ғўза парвариши даврида сувнинг қадрини ким билмайди, дейсиз. Насос станцияси минглаб гектар пахта майдонларини об-ҳаётга қондиради. Агрегат тезда созланмаса, кўплаб гектар ердаги ғўзалар чанқаб қолиши, деҳқонларнинг кунларни тунларга улаб қилган меҳнати зое кетиши мумкин эди. Шунинг учун станцияга дарҳол СССР 50 йиллиги номли Навоий ремонт-механика заводидан мутахассислар таклиф этилди. Улар агрегатлар тирқишининг зичлагич ҳалқаси юзаси ейилиб кетганлигини аниқлашди. Унинг ўрнига қўйишга бошқаси йўқ эди. Ҳалқа ечиб олиниб заводга келтирилди.

Завод мутахассислари ҳалқа сиртига бироз ишлов беришгач, кислородли-ацетиленли аланга оқими доирасига металлга ўзи ёпишувчи материаллардан иборат кукунни оҳиста пуркашди. Микроскопик қалинликдаги плёнка ҳалқанинг ейилган қисмларини ғоят текис ва аниқ қоплади. Насоснинг камёб детали ўз ўрнига қўйилди. У янгидай ишлай бошлади.

— Ўша пайтда газ-алангани йўналтирувчи тўппончасимон асбобни, кукунсимон материалнинг энг оптимал таркибини яратиш устидаги изланиш ишлари ниҳоясига етмаган эди, — деб эслайди инженер Б. Сальников.— «Тўппонча» ва кукунни шошилинч равишда тайёрлашга тўғри келди. Ҳалқани агрегатга қўйишдан олдин эса, унинг устини мустаҳкам пленка билан қоплади. Орадан анча вақт ўтгандан кейин қайта тиклаган деталимизнинг ейилиш даражасини аниқламоқчи бўлиб очиб кўрсак, у янгигина қўйилгандай турарди. Кукунли қоплама ҳалқани ишга яроқли қилиш билан бирга хизмат муддатини уч марта оширди.

Завод новаторларининг дастлабки тажрибаси ана шундай натижа билан тугади. Бу муваффақият уларни ишдан чиққан турли деталларга ҳаёт бахш этиш режаларини кенг кўламда, дадил давом эттиришга ундади. Шу тариқа турли маркадаги машиналарнинг кўплаб қисмлари, конларда ишлатиладиган лифтлар, скрейперли конвейерларнинг мураккаб узеллари ва бошқа хил деталлар қайтадан ишлашга йўлланма олди. Кейинги тажрибалар кукунсимон материаллардан фойдаланиш истиқболи порлоқ эканлигини кўрсатаётир. Навоийликлар бу технологиядан халқ хўжалигининг турли тармоқларида самарали фойдаланмоқдалар.

Шу ўринда яна бир мисол: Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарлари, партия идеологик кадрларини тайёрлаш ишига хизмат қилади, деди. У социалистик ривожланиш йўлини танлаб олган Зимбабве Республикаси етилиб социализм мамлакатларининг тажрибаси ва практикасини юксак қадрлайди, деб уқтириб ўтди. С. Мзенда Зимбабве африкаликлар миллий иттифоқи — Ватанпарварлик фронти II съезди ишида КПСС делегацияси иштирок этганлиги учун, КПСС Марказий Комитетининг съездга йўллаган самимий табриконамаси учун КПСС Марказий Комитетига чуқур миннатдорчилик изҳор қилди. Бизлар дўстона муносабатларимиз янада мустаҳкамланишига аминмиз, деб таъкидлади С. Мзенда.

КПСС делегацияси Зимбабве африкаликлар миллий иттифоқи — Ватанпарварлик фронти Сиёсий бюросининг ахборот ва пропаганда масалалари билан шуғулланувчи секретари Н. Шамуярира билан ҳам учрашди. Дўстона суҳбат чоғида ҳар икки томонни қизиқтирувчи масалалар юзасидан фойдали фикрлашиб олинди.

Бугун КПСС делегацияси Ватанига жўнаб кетди.

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЗИМБАБВЕДА БЎЛИШИ

ХАРАРЕ, 13 август. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комитети раисининг ўринбосари М. А. Пономарев (раҳбар) ва КПСС Марказий Комитети халқаро бўлимининг сектор мудири А. Ю. Урновдан иборат КПСС делегацияси бугун Зимбабве африкаликлар миллий иттифоқи — Ватанпарварлик фронти Марказий Комитетининг қароргоҳида бўлди. Делегация бу ерда партия вице-президенти, Сиёсий бюро иккинчи секретари С. Мзенда билан учрашди.

М. А. Пономарев КПСС Марказий Комитети номидан Зимбабве африкаликлар миллий иттифоқи — Ватанпарварлик фронти Марказий Комитетига сиёсий адабиётлар, жумладан В. И. Ленин Тўла асарлар тўплами кутубхонасини, шунингдек киноаппаратлар ва ҳужжатли фильмларни туҳфа тариқасида топширди.

С. Мзенда туҳфа қилинган адабиётлар — К. Маркс,

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«Районимиз марказидаги кўчаларни ободонлаштириш ишларига етарли эътибор берилмайди. Водопроводлар бор-у, сув йўқ», — деб ёзади бир гуруҳ газетхонлар.

Мазкур шикоят хат текшириш ва чора кўриш учун ХАТИРЧИ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИга юборилган эди. У ердан олинган жавобда шундай дейилади:

«Хатда келтирилган камчиликлар тасдиқланди. Чапаев кўчасида жойлашган водопровод линияларидаги барча носозликлар район «Водопровод» участкаси ишчилари томонидан бартараф этилди. Аҳоли ичимлик суви билан таъминланди.

* * *

«Дзержинский номли колхоз раиси Р. Ёқубов қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик қилиб, ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қиляпти», — деб ёзишади бир группа колхозчилар. Шикоят хат текшириш ва чора кўриш учун ХИВА РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИга юборилди. Текшириш да шикоят хатда келтирилган фактлар тасдиқланди. Ҳақиқатан ҳам 2- ва 3-бригада бошлиқлари Ҳаким Бобожонов ва Отабой Полвоновлар раиснинг яқин кишилари экан. Раснинг жияни 3-бригада бошлиғи Ҳаким Бобожонов ўз вазифасини суиистеъмол қилганлиги, жамоат ерларидан нотўғри фойдаланганлиги учун вазифасидан четлаштирилди ва иш тергов органларига топширилди.

Колхоз раиси Р. Ёқубовга эса ишда талабчанликни бўшаштирганлиги ва кадрларни танлашда нотўғри йўл тутганлиги учун қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди.

ҲАММА НАРСА ТАХТ

● Қува райони маорифчилари янги ўқув йилига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Райондаги 44 та умумий таълим мактаби, битта мактаб-интернат, 4 та ўқув ишлаб чиқариш комбинати, 8 та мактабгача, 5 та мактабдан ташқари муассасалар бинолари сифатли ремонт қилинди. 4 та мактаб капитал, 41 та умумтаълим мактаби жорий ремонтдан чиқарилиб, 1984—1985 ўқув йилига тахт қилиб қўйилди.

Колхозлараро механизациялашган кўчма колонна, Димитров номли, Калинин номли, «Коммунизм» колхозларининг оталиқ ташкилотлари мактаблар ремонти барвақт тугатилишига яқиндан ёрдам бердилар. Янги ўқув йилида райондаги 14 та мактабда куни узайтирилган группалар ишлайди. Жами 284 та группада 9879 та бола таълим олади.

Б. ҲОЛМАТОВ.

Беруний шаҳридаги тўқимачилик фабрикаси коллективи Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 60 йиллиги юбилейи шарафига социалистик мусобақани кунданкунга авж олдирмоқда. Меҳнат беллашувида фабриканинг илғор ишчиси Тўхтажон Давлатова пешқадамлик қилмоқда. У ҳамиша ойлик ва квартал планларини ошириб бажаряпти. Уз ихтиёридаги 16 та дастгоҳда унумли ишлаб, тайёрланаётган маҳсулотларнинг ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилашда жонбозлик кўрсатаётир.

Р. Ўтамуродов фотоси.

МАФКУРАВИЙ КУРАШ ЖАБҲАЛАРИДА

БУРЖУА ПРОПАГАНДАСИ —ЯЛТИРОҚ ЛИБОС

БУЮК МУТАФАККИРЛАР Карл Маркс ва Фридрих Энгельс пролетариатнинг буржуазияга қарши кураши энди бошланган даврдаёқ социалистик революцияни амалга ошириш учун илмий социализмни стихияли ишчи ҳаракати билан қўшиш зарурлиги тўғрисидаги талабни олға сурган эдилар. Синфий жанглар бутун тарихи бу вазифанинг нақадар муҳим эканлигини қайта-қайта исботлади.

Буржуа идеологияси қандай бежирим ва ялтироқ либосга бурканмасин, биз унинг ҳар қандай кўринишига қарши ҳормай-толмай курашмоғимиз керак» — деган эди марксизм таълимотининг давомчиси В. И. Ленин.

* * *

КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг шундан кейин бўлиб ўтган Пленумлари хусусан июнь (1983 йил) Пленуми ҳозирги халқаро вазиятни чуқур ва атрофлича таҳлил қилиб, идеология соҳасидаги кураш жуда кескин тус олганлигини алоҳида таъкидлади.

Гап шундаки, идеология империализм учун кураш фаолиятининг махсус соҳасига айланиб, етакчи капиталистик мамлакатларда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. АҚШ, ГФР, Англия каби қатор мамлакатларда социализмга қарши идеологик кураш олиб борадиган ва идеологик диверсияларни амалга оширадиган илмий-тадқиқот, тарғибот, разведка ва ҳарбий марказларнинг қудратли комплекси вужудга келтирилган.

Ҳозирги вақтда АҚШда бизнинг жамиятимиз ҳақида маълумот йиғадиган ташкилотлар, университетлар ишлаб турибди. Буржуа жамиятининг маддоҳ лабораторияси бўлган бундай илмий муассасалар ва идоралар фаолияти ўз ҳомийлари сиёсатига, дунёқарашига асосланади. Бинобарин, буржуа идеологияси шу синфнинг туб манфаатлари ва мақсадларини ифода этади, холос. Буржуазия капиталистик жамиятнинг ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлган ва ёлланма меҳнатни эксплуатация қилувчи ҳукмрон синф бўлиб, унинг даромад манбаи қўшимча қийматдир. Империализм даврига келиб буржуазия ижтимоий тараққиётнинг асосий тўғаноғига айланди. Шу боисдан бу синфнинг келажаги йўқ.

Буржуазиянинг синфий манфаати унинг учун ҳамма нарсадан, жумладан объектив ҳақиқатдан ҳам юқори туради. Империалистик буржуазия реакцион эксплуататорлик тузумни ҳимоя қилиш учун ҳар қандай ёвузлик ва ёлғончиликдан қайтмайди, қурол кучи билан даҳдаҳа қилади. Ҳозирги вақтда Америка пропагандаси Совет Иттифоқи устидан ҳарбий устунликка эришишга қаратилган қора ниятларини қандай қилиб бўлса-да асослаш учун «совет хавфи» деган эски сафсатани яна такрорламоқда. Бу уйдирма янги эмас. Дунёда биринчи ишчи-деҳқон ҳукумати ўрнатилиши биланоқ буржуа матбуоти большевиклар образини тасвирлаш учун «пичоқ тишлаган одам» расмини ўйлаб топган эди. Муттаҳамликни қаранг: Россия тупроғига бостириб кирган империалистлар эмас, балки ўз Ватанини ҳимоя қилишга бел боғлаган ишчилар, деҳқонлар уларга хавф солганмиш.

В. И. Ленин икки қарамақарши система ўртасидаги зиддият ўзаро уруш йўли билан эмас, балки иқтисодий мусобақа йўли билан ҳал қилиниши мумкин ва лозим, бу мусобақа жараёнида социализм ўзининг капитализмдан батамом устунлигини муқаррар суратда кўрсатади, деб таълим берган эди.

ПАРТИЯМИЗ Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко партия Марказий Комитетининг февраль (1984 йил), Пленумида капиталистик мамлакатлар билан муносабатлар ҳақида гапириб бундай деди: **«Улуғ Ленин бизга турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципини васият қилиб қолдирган. Биз шу принципга доимо содиқмиз. Ҳозир ядро қуроли ва ўта аниқ ракеталар асрида бу принцип халқларга ҳар қачонгидан ҳам зарурдир. Бизга ҳарбий устунлик керак эмас, биз бошқаларга ўз иродамизни мажбуран қабул қилдирмоқчи эмасмиз. Аммо биз эришилган ҳарбий мувозанатни бузишга йўл қўймаймиз».** Бизнинг ташқи сиёсатимиз ана шундай, оғиздагина эмас, амалда ҳам ана шундай. Шунга қарамай, буржуа пропагандаси мамлакатимизнинг ташқи сиёсатини, обрўсини тўкишга уриниб келди, ҳозир ҳам уринмоқда. Бундай пропагандининг моҳияти шундан иборатки, «совет хавфи», «АҚШнинг орқада қолаётганлиги» каби уйдирмалардан монополистлар жуда катта фойда кўрмоқдалар. Капиталистик мамлакатларда ҳарбий саноат комплекси давлат аппаратини ўзига бўйсундириб олган. Ҳарбий ишлаб чиқаришдан келадиган фойда хўжаликнинг граждан секторидагига қараганда анча каттадир.

Душман пропагандасининг социализм мамлакатларига қарши идеологик хуружида инсон ҳуқуқлари хусусидаги ҳаётий масала тамомила нотўғри талқин қилинмоқда. Капиталистик дунёнинг энг бой мамлакати ҳисобланган АҚШда расмий маълумотларга қараганда ҳозир 34 миллион қашшоқ, 11 миллион ишсиз, 2 миллиондан ортиқ бошпанасиз бор. Шу йилнинг январь ойида 450 бошпанасиз кўчада совуқдан ўлган. Биргина Нью-Йоркнинг ўзида 20 минг уйсизқаровсиз бола бор. АҚШда туркистонлик Темурхўжа ўғлининг диссертация ёқлаганини деш қилиб, ўзини майда миллатлар ғамхўри қилиб кўрсатаётган Америка пропагандаси у ерда 23 миллион саводсиз борлигини яширишга ҳаракат қилади.

Буржуа пропагандаси партиямизнинг буржуа миллатчилигига қарши, социалистик интернационализм учун олиб бораётган курашини иттифоқдош республикалардаги миллий ҳаракатларга қарши кураш, деб бузиб кўрсатмоқда.

Америкалик сохталаштирувчилар А. Парк, В. Коллардз, Г. Динерстейн ва бошқалар Совет ҳокимиятининг пахта соҳасидаги сиёсати Ўзбекистонни иқтисодий жиҳатдан узил-кесил бўйсундиришга, уни дондан сиқиб «совет мустамлакасига» айлантиришга қаратилган, деб Ўрта Осиё халқлари эришган ютуқларнинг асл моҳиятини бузиб кўрсатмоқдалар.

Аслида, Ўрта Осиё халқларини ҳар томонлама ривожлантириш учун ғоят қисқа муддатларда шу қадар кўп ишлар қилган, барча халқларимизнинг социалистик Ватани — СССР каби давлат тарихда ҳеч қачон бўлган эмас. Совет халқларининг бузилмас дўстлиги социализмнинг энг буюк ютуғи, партия миллий сиёсати тантанасининг ифодасидир. Халқлар дўстлиги улар ўртасидаги тинчлик, қардошлик муносабатларининг ифодасигина бўлиб қолмай, социалистик жамиятни ривожлантириш омили ҳамдир. Ўзининг олтмиш йиллик тўйига тайёргарлик кўраётган Ўзбекистонимизда, масалан, революцияга қадар 18 минг ишчи бўлган бўлса, ҳозир халқ хўжалигида 2 миллиондан кўп ишчи бор. Революцияга қадар 200—250 минг тонна пахта етиштирилган бўлса, ҳозир олти миллион тонна пахта тайёрланяпти. Революцияга қадар бирорта ҳам олий ўқув юрти бўлмаган ўлкада ҳозир 43 та олий мактаб, Фанлар академияси мавжуд. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

ХАЛҚ фаровонлигини, турмуш даражасини ошириш, шахсни ҳар тарафлама ва эркин камол топтириш КПССнинг олий мақсадидир. Ҳар бир беш йиллик социализмнинг мана шу улуғ мақсадига хизмат қилади. Социализмнинг капитализмдан асосий устунлиги ҳам худди мана шунда. Қишини киши томонидан эзишнинг тугатилганлиги, кўп миллатли ягона иттифоқ давлати вужудга келганлиги, совет жамиятининг ғоявий-сиёсий, социал ва интернационал бирлигининг ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкамлиги барча совет кишиларининг катта бахтидир. Бунинг қанчалик улуғ бахтлиги айниқса совет турмуш тарзини капиталистик турмуш тарзи билан солиштирганда яққол кўзга ташланади. Бугина эмас. Барча совет кишиларига меҳнат қилиш, дам олиш, касб танлаш, социал таъминот, уй-жойли бўлиш, бепул илм олиш, медицина ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган ва бу ҳуқуқларни амалга ошириш мустаҳкам гарантиялаб қўйилган. Буржуа пропагандаси эса ривожланган социализмнинг мана шу реал ютуқларини инкор этолмай, ҳийла-найранг ишлатиб, ўзларини инсонпарвар қилиб кўрсатмоқчи бўлади, коммунистик мамлакатларда инсон ҳуқуқлари поймол қилиняпти, деб жар солмоқда.

Буни қаранг-а! Миллион-миллион кишилар ишсиз юрган, майда миллатлар ва қора танли халқлар меҳнатда ва илм олишда, турмушда ва сиёсий ҳаётда камситилиб таҳқирланаётган, меҳнаткашларни қўрқув ва таҳликада яшашга мажбур қилаётган уюшган жиноятчилар олами, ёш авлодни худбинлик, шафқатсизлик ва зўравонлик руҳида тарбиялаётган тузум, бошқа халқларнинг территорияларига бостириб кириб, дарё-дарё инсон қонини оқизаётган ижтимоий тузум инсонпарвар эмиш!

редакция почтасидан

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ПАЛЛА

— Сирдарё районидаги «Ленинград» колхозининг Анорбой Сафаров бошлиқ бригадаси пахтакорлари Узбекистон ССР ва республика Компартиясининг 60 йиллиги шарафига ҳосилдорликни 60 центнерга етказишга аҳд қилишган. — деб ёзади жамоатчи мухбиримиз **Қ. Ҳожиев.** — Айни кунларда далаларда ғўза парвариши юксак мажбуриятга яраша намунали олиб бориляпти. Культивация, суғориш ва озиқлантириш ўз вақтида сифатли ўтказилаётганлиги туфайли ҳосил нишоналари тобора кўпайиб, кун сайин тўлишмоқда. Ишда сувчилардан Дўстмирза Эрназаров, Маҳмуджон Қурбонов, Нормурод Эрназаров, Мамашариф Сафаров ва механизаторлардан Тоҳир Умрзоқовлар касбдошларига ўрнак бўлишмоқда. Заршуносларнинг мардона меҳнатларини улуғловчи шундай хабарларни Чироқчи районидан **А. Умиров,** Уйчи районидан **С. Азимов,** Кармана шаҳридан **И. Худойқулов,** Задарё районидан **Т. Тошпўлатов,** Хўжаобод районидан **Р. Жуманиёзовалар** ҳам йўллашган.

Чеканка ҳосилни етилтиришда энг муҳим тадбирдир. Бу иш асосан агрегатлар ёрдамида бажарилаётир. Марҳаматлик жамоатчи мухбиримиз **С. Собировнинг** ёзишича, «Комсомол 60 йиллиги» совхозининг бригада пудрати асосида ишлаётган Ғуломжон Мирзаабдуллаев етакчилик қилаётган коллективда ғўзани чеканка қилиш тугалланган. Бригада аъзоларининг 78 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан юқори сифатли ҳосил етиштириш учун барча имкониятларни ишга солишяпти. Деновлик қаламкаш **У. Бекмуродов** ҳам «8 Март» колхозида ғўзани чилпиш тугалланганини хабар қилади.

Ғузор район «Янги ҳаёт» газетасининг ходими **Б. Ҳасанов** «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхозининг Ойрушан Омонова бригадасида ғўзаларни обиҳаётга қондириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида қуйидагича ҳикоя қилади: «Шу кунларда бригаданинг миришкор сувчиларидан Р. Холманов, Т. Даминов, У. Омонов, О. Назаров, Ф. Раҳмоновлар сувни тежаб-тергаб сарфлашяпти. Тўрт жойдаги «шарбат» ўраларидан сув ғўзаларга тараляпти. Натижада ғўзаларнинг кўсаклари кун сайин салмоқдор бўляпти». Боёвутлик жамоатчи мухбир **Б. Муҳаммадиев** Руцкий номли совхоз сувчилари, риштонлик **Ҳ. Каримов** «Коммунизм» колхози, Қизилтепа районидан **Р. Неъматов** «Узбекистон» колхози, Беруний районидан **Ҳ. Бекимов** «Правда» колхози сувчилари ҳосилга ҳосил қўшиш палласининг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланишаётганини қувонч билан хабар қилишади.

Узбекистон Компартияси ва республикамиз 60 йиллик тўйига заршуносларимиз муносиб армуғон тайёрлаш иштиёқида мардона меҳнат қилишяпти. Садоқатли, иши билан сўзи бир, лафзи ҳалол пахтакорларимиз сўзлари устидан чиқишларига, ваъдага вафо қилишларига шубҳа йўқ.

Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига—40 зарбдор ҳафта

«ГИППОКРАТ» —ҲАВОЗАДА

«Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига — 40 зарбдор ҳафталик» шиори остида москваликлар ташаббуси билан бошланган социалистик мусобақада фаол қатнашаётган Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент давлат медицина институти 1-даволаш факультетининг иккинчи курс талабалари — «Гиппократ» студент-қурилиш отряди қувончли ютуқларга эришмоқда.

ОТРЯД Улуғ Ватан уруши жангларида қаҳрамонларча ҳалок бўлган институт ҳарбий врачлари — медицина ҳарбий хизмати капитанлари: А. Айрапетов, А. Гулқоров, В. Мажидов, 3-ранг ҳарбий врачлар: Р. Аминов, М. Иноятов, Ғ. Луқмонов. Р. Ориов, Н. Рашченко, В. Ржевская, У. Умарова, медицина ҳарбий хизмати майори У. Ҳикматхўжаевлар хотираси учун белгиланган топшириқни муддатидан ўн кун илгари уддалашга аҳд қилди. Бунёдкорлар Тошкентдаги «Отделстрой-2» трестига қарашли 42-қурилиш бошқармаси билан 30 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажариш борасида шартнома тузишган. Ҳозирги кунга қадар улар белгиланган иш ҳажмининг 90 процентини амалга оширдилар. Иш давомида бошқарманинг тажрибали қурувчилари кўмагида бир неча турдош касбларни ва тезкор иш усулларини ўрганиб олишди. Тошкент шаҳар олий ўқув юртлари студент-қурилиш отрядлари ўртасида бўлиб ўтган «Касб-ҳунар устаси», «Энг яхши сувоқчи-бўёқчи» конкурсларида ғолиб чиқдилар.

Факультетимизнинг «Дружба» қурилиш отряди билан бўлган социалистик мусобақада ҳам қўлимиз баланд. Айниқса, 18 июль ва 1 август кунлари амалга оширган ишларимиз бир умр эсимизда қолади. Биз шу кунлари ишлаб топган маблағимизни ривожланаётган мамлакатларнинг Ёшлар союзлари фондига ва Гагарик шаҳри қурилишига ўтказдик. Эришаётган муваффақиятларимизда Д. Каримов, Т. Бойназаров, Б. Бекматов, М. Боқиева, О. Саторова, К. Никитин, Б. Деҳқонов сингари йигит-қизларимизнинг ҳиссаси катта.

Отрядимиз аъзолари меҳнат семестрида фақат қурилиш ишлари билангина шуғулланиб қолмай, ижтимоий-сиёсий, ташкилий ишларда ҳам фаол қатнашмоқдалар. Улар Буюк Ғалабамизнинг жаҳоншумул аҳамияти ва Ўзбекистон ССР ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган темаларда қурилиш ташкилотлари, мактаблар ва бошқа муассасаларда турли хил суҳбатлар, лекциялар уюштирмоқдалар.

Шерали АШУРОВ,
Тошкент давлат медицина институти 1-даволаш факультети «Гиппократ» студент-қурилиш отряди командири.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ СПАРТАКИАДАСИ ОЛДИДАН

ЁШ МЕҲМОНЛАРНИ КУТИШМОҚДА

Мактаб ўқувчиларининг сентябрь ойида Узбекистон шаҳарларида ўтказиладиган ўн еттинчи Бутуниттифоқ спартакиадаси ёшлар спортининг кўригигина эмас, шу билан бирга улкан дўстлик байрами ҳам бўлади. Меҳмондўст мезбонлар спартакиада ёрқин, қизиқарли ўтиши учун ғамхўрлик қилмоқдалар. 22 кунга мўлжалланган турнирларнинг графиги ранг-баранг маданий программа билан тўлдирилди.

Меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкентдаги филиалини бориб кўрадилар, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўладилар, республика ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган бир қанча кўргазмалар, Ўзбекистон комсомоли тарихи музейи, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи музейи билан танишадилар. Партия ветеранлари, Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари, ишлаб чиқариш илғорлари, олимлар, ёзувчилар республика босиб ўтган шонли йўл ҳақида гапириб берадилар.

Иттифоқдош республикалар, Москва ва Ленинград вакиллари — «Спорт, ўқиш ва меҳнат ёнма-ёндир», «Спортдаги муваффақиятларимиз — сенга Ватан!» кун тартиби билан иккинчи марта очиқ комсомол йиғилиши ўтказадилар.

Тошкент шаҳридаги ўнта район комсомол ташкилотининг ҳаммаси спорт делегацияларига оталиқ қилади. Бу ташкилотлар, жумладан, иттифоқдош республикалар, Москва ва Ленинград кунларини ўтказишда кўмаклашадилар, ўз дўстларини меҳнат шуҳрати кечаларига, «Огонек»ларга, давра суҳбатларига таклиф қиладилар. Заводлар, қурилишлар, институтларнинг кўпгина коллективлари ҳам спортнинг ҳар хил турлари бўйича командаларни ўз оталиқларига оладилар. Чунончи, Тошкентнинг ёш тракторсозлари, тўқимачилари, метро қурувчилари, Самарқанд ва Чирчиқ химиклари, Наманган шойи тўқувчилари, Ангрен энергетиклари ва Янгиер қурувчилари меҳмонларни кутмоқдалар.

Ёш спортчилар учун эсдалик совғалари — китоблар, альбомлар, нишонлар тайёрланди.

(ЎзТАГ).

Ҳаким НАЗИР

КИЧИКЛАРНИНГ КАТТА ДУНЁСИ

Болалар адабиёти ҳақида

Олтмиш йил ичида республика маданий тараққиётида эришилган кўзга кўринарли ютуқлардан бири — ўзбек болалар ва ўсмирлар адабиётидир. У — Октябрь меваси. Совет ҳокимияти йилларида умум адабиётимизнинг узвий қисми сифатида мураккаб йўлни босиб ўтди, том маънода янги, замонавий, профессионал болалар адабиёти бўлиб таркиб топди, ўз ёзувчилари ва ўз ўқувчиларига эга бўлди. Эндиликда у кўп миллатли совет болалар ва ўсмирлар адабиётининг балоғатга етган, кўп жанрли, ранг-баранг услубли бақувват отрядларидан бирига айланди. Унинг неча ўнлаб яхши намуналари аллақачон Бутуниттифоқ майдонига чиққанлиги, рус тили орқали бошқа қардош республикаларга, айрим хорижий тилларга ҳам ёйилганлиги — катта ютуғимиз. Биз А. С. Пушкин, Л. Толстой, М. Горький, В. Маяковский, А. Гайдар, С. Марщак, К. Чуковский, Л. Кассиль, Б. Житков, С. Михалков, А. Барто, Н. Носов каби устозлардан сабоқ олдик. Ўзбек болалар адабиёти бешигини тебратган Ҳамза, Ғ. Ғулом, Ҳ. Олимжон, Ғайратий, Миртемир, Уйғун ва бошқа устозларнинг ҳамда халқ оғзаки ижоди ва классик адабиётимизнинг юксак инсонпарварлик анъаналаридан баҳраманд бўлиб келдик. Нисбатан кўпроқ мураккаб йўлни босиб ўтган кенжа жанр — болалар прозамизнинг вояга етишида «Шум бола» саргузашт қиссасидан бошлаб Ойбекнинг «Болалик», А. Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар», Н. Сафаровнинг «Кўрган-кечирганларим» каби автобиографик асарлари бебаҳо намуна бўлди.

Партия ва ҳукуматимизнинг катта ғамхўрликларига жавобан ёзувчиларимиз кичик китобхонларга сермазмун бадиий етук асарлар яратиб бериш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилиб, навқирон адабиётимиз хазинасини бойитмоқдалар. Бунга болалар шеъриятининг оқсоқоллари Қ. Муҳаммадий, П. Мўмин, И. Муслимларнинг бахтиёр болаликни, ёш авлоднинг эл-юртига, ота-оналарга, билимга, меҳнатга муҳаббатини завқ билан куйловчи, юксак коммунистик ахлоқ-одоб, инсонпарварлик, эзгулик руҳида тарбияловчи шеърлари, достон, қўшиқ ва эртаклари мисол бўла олади. Болалар прозаси соҳасидаги ютуқларимиз ҳам қувонарли.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленумида санъат арбоблари қўлидаги қудратли қуролдан янада яхшироқ фойдаланиш лозимлиги уқтирилди. Болалар ва ўсмирлар адабиётига ҳам тўла таллуқли кўрсатма бу. СССР Олий Совети тасдиқ этган «Умумий таълим ва ҳунар мактабларини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари»да ҳам партиянинг мазкур кўрсатмасига асосланган болалар тарбиясининг узоқ муддатли мўлжалланган бош программаси берилган.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети XVI пленуми ривожланган социализм даврининг улкан вазифаларини белгилаб бериш билан бирга, олға томон тезроқ силжишимизга халқит бераётган нуқсонларни, нопок шахсларнинг келтирган зарарларини рўй-рост фош этиб ташлади, ана шуларга қарши курашни ҳар соҳада кучайтиришга даъват этди. Ҳамиша ёзувчилар мафкурани меъморлари бўлмиш ўқитувчиларнинг, комсомолнинг мукаммал, таъсирчан образларини ёрқин чизиб берадиган асарлар кам. Айниқса, меҳнат ва касблар тайёрловчи ҳунар мактабларининг бой, қизғин, мураккаб ҳаётини акс эттиручи китобларимиз бармоқ билан санарли.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг яқинда бўлиб ўтган V пленумида таъкидланганидек, адабиётимизда яхши намуналар қатори заиф, хом-хатала асарлар ҳам учраб туради. Ёш ижодкорлар баъзан шошма-шошарлик, китобийлик, бир ёқламаликларга йўл қўядилар, гоҳо муҳим темаларга юзаки ёндашадилар, ё эса болаларга қизиқарли бўлсин деб сунъий, таги пуч, бетаъсир, эрмакнамо «асар ясаб» чиқаришади. Айрим асарларда муҳим ҳаётий муаммолар буёқда қолиб, оппа-осон йўлдан борилади, панд-насиҳатга ортиқча ўрин берилади. Болалар адабиётида педагогик талаблар тўла ҳисобга олинади, унда панд-насиҳат керак, албатта. Бироқ бу яланғоч ҳолда, ғашни келтирадиган шаклда бўлмасдан, балки гўзал бадиий либосга ўраб берилсагина фойдали.

Бизда истеъдодли ёшлар кўпаяётгани, уларнинг ўсишулғайиши учун барча шароитлар яратиб берилгани аниқ. Лекин шунга қарамай, яхши асарлар оз. Нима учун? Бунинг сабаби — истеъдодни ҳар вақт ҳам эҳтиёт қилиш, ҳаётий зарур, асосий вазифаларга етарлича сарф этилмаётганида бўлса керак. Истеъдод — бу табиат томонидан шахсий мулк сифатида эмас, замонга, замондошларга аъзо ҳизмат этиш учун берилганини унутмайлик. Мазкур камчиликларни йўқотиш учун бадиий маҳорат сирларини эгаллашнинг ўзигина етмайди. Шу билан бирга ҳаётнинг олдинги марраларида бўлиб, давр воқеалари ичига чуқурроқ кириш, зарур муаммоларни ҳар ёқлама ўрганиб, журъат билан дадил қаламга олиш талаб этилади. «Правда» ёш ижодкорлар ҳақидаги бош мақоласида шундай дейди: «Ёшларга диққат-эътибор билан қараш уларга худди иссиқ хоналардагидай шароит яратиб бериш дегани эмас асло. Уларни енгил-елпи кун кўришга, соғлом парвариш қилиб қўйишга, ҳайбаракаллачиликка ўргатишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Талант ҳаётнинг белоён кенгликларида, халқнинг иш ва ташвишларига чин шерик бўлишда, маҳорат чўққилари сари тинимсиз интилишда тобланади, қаноти мустаҳкамланади». Вазифамиз — бутун ташкилий-ижодий ишларимиз ёш ёзувчиларнинг куч-ғайратини бош масалага — адабиётимизни янги ғоявий-бадиий поғонага кўтаришга йўналтиришдир. Ёзувчиларнинг ижодий ишлари ва ҳаётий позициясини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, ёзувчилар ва адабиётшунослар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ёзувчиларимизнинг ижодий ишларини ҳаётий материал билан таъмин



ХАРАКТЕРИСТИКА

СУД ЗАЛИДАГИ ЎЙЛАР

Хизмат юзасидан мен жуда кўп характеристикалар билан танишиб чиққанман. Одатда характеристика ишчи ёки хизматчига иш жойидан бериладиган холисона баҳодир. Унинг юриш-туриши, ишчанлиги ёки ландовурлиги, ҳулқи, жамоат ишларидаги иштироки, касбига муносабати ана шу характеристикада ойнадек равшан акс этиши керак.

Лекин характеристикалар ҳамища ҳам объектив ёзилавермайди. Аввало шуни айтиш керакки, партия, касаба союз ташкилотлари томонидан бериладиган характеристикалар бюрода, маҳаллий комитет мажлисида муҳокама қилиниши керак. Амалда эса кўп характеристикалар муҳокама қилинмасдан ёзиб берилаверади. Бунинг оқибатида кишиларнинг меҳнатга, жамоат ишларига муносабатлари, ҳулқи объектив баҳоланмайди. Баъзи раҳбарлар характеристика беришда ҳам ўзлари учун мақбул келган мақсадларни кўзда тутадилар. Чунончи, баъзи ишёқмас, дангаса ишчи ёки хизматчидан қутулиш, уни бошқа жойга, бошқа ташкилотга «ўтказиб юбориш» ниятида ёзилади. Баъзан эса маълум сабабларга кўра ишдан бўшатилаётган ишчи ёки хизматчи билан раҳбар ўртасида шундай суҳбат бўлиб ўтади:

— Ишни эплай олмадинг, энди ўз хоҳишинг билан ишдан бўшаб кет, акс ҳолда топширилган ишни уддалай олмагани учун деб меҳнат дафтарчангни қора қилиб бераман. Мен ичи қора раҳбарлардан эмасман, хўп десанг, яхши характеристика ёзиб бераман. Хоҳлаган жойингга ишга жойлашиб оласан.

Афсуски, бундай аҳвол тез-тез такрорланиб туради. Ишни уддалай олмаган кишиларга чиройли характеристикалар ёзилади. Бундай «олижаноблик» жамиятимизга маънавий зарар етказиши, кишиларда масъулиятсизликни вужудга келтириши равшандир.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон ССР Меҳнат кодексининг ишга қабул қилиш вақтида талаб қилинадиган ҳужжатларга бағишланган 21-моддасига 3-банд қўшиб, хизматчи ёки ишчи охирги иш жойидан бериладиган характеристикани ҳам ишга кираётган жойига тақдим қилиши керак, деб ёзиб қўйилса фойдадан ҳоли бўлмасди. Яна шу моддага ишчи ёки хизматчига бериладиган характеристиканинг холисона ёзилиши учун корхона, муассаса, ташкилот раҳбарлари жавобгардир, деб ёзиб қўйилса, характеристикани тасдиқловчиларнинг масъулияти ошган бўлур эди.

Кишиларга нотўғри характеристика ёзиб беришдек либераллик жиноий ишлар бўйича айбланувчи шахсларга берилаётган характеристикалардан ҳам кўриниб туради. Масалан, А. Баҳарев аввал икки марта судланган, ичкиликбозлиги учун Балиқчи район йўл қурилиши бошқармаси маъмурияти томонидан огоҳлантирилган. Шунга қарамай, маст бўлиб қўшниси М. Губайдулинанинг уйига кириб, безорилик қилади. Унинг онаси Хунафинанинг қорнига пичоқ уради. Безори қилмиши учун узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Бироқ жиноий ишнинг 28-варақасидаги ўша икки марта судланиб чиққан Баҳаревга берилган характеристикани ўқисангиз, ҳайрон қолмай иложингиз йўқ: «Ишчан, меҳнат интизомини бузмаган, ахлоқан мустаҳкам, планларни ортиғи билан бажаради» ва ҳоказо. Баҳаревнинг бебошлигини, безорилигини, ичкиликка берилганлигини, меҳнат интизомини бузганлигини район ДЭУ бошлиғи нима учун яширган экан, деган савол туғилади. Нима, у олижаноблик қилмоқчими? Ёки жиноятчига ҳомийлик қиляптими? Бундай принципсизлик, ишчи ва хизматчиларга баҳо беришдаги либераллик ишимизга фойда эмас, балки зарар етказиши аниқ.

Бизнинг фикримизча, қорани оқ, оқни қора деб кўрсатувчи раҳбар ходимларга нисбатан маъмурий органлар, суд ва прокуратура тегишли чоралар белгилашлари, яъни принципсизлик қилганликларини юзларига айтиб, уларга нисбатан суд томонидан ажрим чиқарилиши, ёки прокуратура томонидан огоҳлантирилиши керак.

Н. РАҲИМОВ,
Балиқчи район прокурори.

БИНОКОРЛАР ТУҲФАСИ

«Главташкентстрой»га қарашли 159-қурилиш трести кейинги йилларда кўпроқ мактаблар барпо этишга ихтисослашиб бормоқда. Трест бинокорлари тошкентлик ўқувчиларга Билим байрами — биринчи сентябрга қадар ўнта янги мактаб биносини туҳфа этишмоқчи. Суратларда: 1. 10-қурилиш бошқармасининг Ҳикматулла Раҳматуллаев бошлиқ комплекс бригадаси трест бўйича илғорлардан саналади. Бригада аъзолари ҳамма ишда ўз саркорларига эргашадилар, уларнинг аксарияти техникум ва олий ўқув юртларида кечки бўлимда ўқимоқда. Ҳ. Раҳматуллаев (ўртада) бир жойда чорак асрдан бери сидқидилдан ишлаб, бошқаларга ўрнак бўлмоқда, шаҳар партия комитетига аъзо қилиб сайланган. 2. Юнусобод массивидаги 1176 ўринли янги мактаб.

В. Молгачев фотолари.

Ахборот

БУЮРТМА

● Наманган машинасозлик заводининг коллективи экспорт буюртмаларини бажарди. Болгария ва Монголияга юқори сифатли пўлатдан тайёрланган ва фахрли беш бурчак билан тамғаланган 40 та труба задвижкалари жўнатилди. Наманганлик машинасозлар тайёрлаётган буюмларнинг чет эллик истеъмолчилари орасида Куба, Югославия, Афғонистон ва бошқа мамлакатлар бор.

РАВОН ЙЎЛЛАР

● Поп районидаги «Коммунизм» колхозининг марказий қўрғонини янги ўзлаштирилган ерларда ғўзаларни парвариш қилаётган бригадаларнинг дала шийпонлари ҳамда чорвачилик комплекси билан равон ва мустаҳкам асфальт йўл боғлади. Бу йил наманганлик йўл қурувчилар Косонсой районидаги «Дўстлик» ва Чуст районидаги «Партия XXII съезди» совхозларида ҳам ана шундай йўллар бунёд этдилар.

Эндиликда областда асфальт йўллар узунлиги 8 минг километрни ташкил этади.

ҚУЁШ ЁРДАМИДА

● Чирчиқдаги бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинати қуёш ёрдамида йилига минг тонна ёқилғи тежайди. Бу ерда қуёш энергиясидан фойдаланиб, темирбетон буюмларга термик ишлов берадиган полигон барпо этилди. Полигон йилига 12,5 минг кубометр йиғма темирбетонга шундай ишлов беради.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Телефон трубкасини кўтариб, «8» рақамини терганингиздан сўнг шаҳарлараро автоматик алоқага чиқиш мумкинлигини билдирувчи сигнали эшитасиз. Шундан кейин ўзингизга керакли шаҳар коди ва телефон номерини теришингиз мумкин.

Мабодо 30—35 секунд мобайнида алоқа ўрнатилмаса, трубкани жойига қўйиб, қайтадан телефон қиласиз. Рақамларни тераётганингизда ҳар бир рақам ўртасидаги пауза 4 секунддан ошмаслиги керак. Шунинг учун ҳам керакли рақамларни шу тартибга амал қилган ҳолда олдиндан ёзиб олишингизни тавсия қиламиз.

Шаҳарлараро автоматик телефон алоқаси хизматидан 24, 29, 32, 33, 35, 39, 41, 42, 44, 45, 46, 48, 53, 55, 56, 58, 62, 64, 66, 74, 76, 77, 78, 90, 91, 96-АТСлар абонентлари фойдаланишлари мумкин.

Фақат 42, 44, 62, 66-АТСлар абонентларигина ўз телефон номерларини терадилар.

468, 538, 645, 649, 455, 459, 585, 589-АТСлар абонентларининг шаҳарлараро автоматик телефон алоқаси хизматидан фойдаланишда техник имкониятга эга эмаслар.

39-49-10 ва 33-58-10 телефонлари бўйича Сиз шаҳар коди, шаҳарлараро автоматик телефон алоқасидан фойдаланиш тартиби ҳақида маълумотлар олишингиз, шунингдек «8» рақами орқали бошқа шаҳар алоқасига чиқаолмаётганингиз тўғрисида буюртмалар беришингиз мумкин.

Чақирилаётган шаҳар АТСи справка бюроси орқали зарур бўлган абонент телефон номери, одатдаги тартибда сўзлашув учун қанча ҳақ тўланиши ҳақида тегишли справкалар олиш мумкин.

Одатдаги тўловлардан 25 процент арзон бўлган имтиёзли тарифдан — фақат шаҳарлараро автоматик телефон алоқаси орқали иш кунлари соат 18.00 дан 24.00 гача ва соат 00.00 дан 07.00 гача, дам олиш ва байрам кунлари кеча-ю кундуз фойдаланиш мумкин.

Автоматик алоқаси бўлмаган йўналишлар (шаҳарлар) учун 07 телефони орқали буюртмалар столи телефонисти шу кун ва келаси икки кун учун буюртмалар қабул қилади.

Справкалар учун телефон — 007.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА АВТОМАТИК ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ МАВЖУД БЎЛГАН ШАҲАРЛАРНИНГ КОДЛАРИ ВА СПРАВКАЛАР ХИЗМАТИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ

Шаҳарларнинг номи	Код	Справкалар бюроси
Олмаота	3270	695122
Андижон	37422	42222
Актюбинск	31300	22121
Ашхобод	36300	51556
Бухоро	36500	32222
Винница	04300	52222
Владимир	09222	32222
Волгоград	8442	330301
Вологда	81722	22222
Горький	8312	362222
Грозний	87100	34502
Гулистон	36722	22222
Жамбул	32600	30707
Жиззах	37200	32222
Днепропетровск	0560	222222
Душанба	3770	222222
Ереван	8850	527972
Житомир	04100	72222
Ивано-Франковск	03400	22222
Қарағанда	3210	543636
Қарши	37500	45555
Қизил-Ўрда	32400	66908
Киев	044	2222222
Киров	83300	22222
Кировоград	05200	22222
Кишинев	0420	222222
Қўқон	43400	22222
Кокчетов	31600	65757
Краснодар	86100	50333
Куйбишев	8462	332583
Ленинобод	37900	62222
Ленинград	812	—
Львов	0322	222222
Мари	37000	22222
Минск	0170	362222
Москва	095	—
Нальчик	86600	22111
Наманган	36900	62222
Новосибирск	3832	9909111
Нукус	36100	22222
Навоий	43600	—
Оржоникидзе	86722	38188
Ўш	33200	21106
Павлодар	3180	752755
Псков	81100	22145
Ростов—Дон	8632	326609
Самарқанд	36600	32222
Саранск	83400	72222
Саратов	84500	245300
Свердловск	3432	209111
Семипалатинск	32200	22121
Ставрополь	86522	64222
Толди—Қўрғон	32800	72121
Тбилиси	8832	990203
Термиз	37600	22222
Ульяновск	84222	40222
Уральск	31100	21068
Урганч	36222	62222
Усть—Каменогорск	32300	52222
Фарғона	37300	42222
Фрунзе	3310	254254
Харьков	0570	222222
Целиноград	31700	22121
Чебоксари	83500	22222
Челябинск	8510	361631
Черкасси	04722	22222
Чернигов	04622	22222
Черновци	03700	22222
Чимкент	32500	34645
Областлар шаҳарлари ва район марказлари:		
Олмаота области		
Иссиқ	327075	2183
Қапчағай	32772	21109
Каскелен	32771	91963
Талгар	32774	46370
Узуноғоч	327070	2898
Андижон области		
Охунбобоев	37475	22222
Қўрғонтепа	37472	11222
Ленинск	37436	22222
Пойтуғ	37431	22222
Хўжаобод	37474	12222
Шаҳрихон	37434	22222
Волгоград области		
Биково	84495	91151
Дубовка	84458	91261
Жирновск	844540	2421
Калач	84472	22952
Камишин	84457	23019
Клетский	84466	41190
Котово	844550	—
Кумелженская	84462	—
Ленинск	84478	—
Михайловка	84463	22255
Новоаннинский	84447	—
Октябрьский	84475	—
Палласовка	84492	61835
Средняя Ахтуба	84479	71205
Суровикино	84473	91303
Урюпинск	84442	22492
Фролово	84465	96475
Горький области		
Арзамас	83147	32222
Богородск	83170	31550
Дзержинск	83140	51124
Кстово	83145	22222
Павлово	83171	21222
Семенов	83162	21221
Ленинград области		
Волосово	81273	21090
Волхов	81263	11077
Всеволожск	81270	24344
Виборг	81278	22502
Гатчина	81271	22222,
Кингисепп	81275	22233 62090
Ломоносов	81276	20171, 21333
Лодейное поле	81264	22833
Луга	81272	22163
Сосновий бор	81269	61333
Тосно	81261	22222
Киев области		
Белая церковь	04963	51299
Володарка	04469	51351
Переяслав—Хмельницкий	04467	52379
Полесское	04492	51332
Тетиев	04460	51332
Фастов	04465	52222
Пермь области		
Верешагина	34254	—
Қизил	34255	—
Ростов области		
Волгодонск	86392	22209
Каменск	86365	59085
Миллерово	863015	3509
Новошахтинск	863069	2359
Новочеркасск	86352	23209
Сальск	86372	20080
Таганрог	86344	21414
Саратов области		
Аркадак	74542	21965
Аткарск	74552	—
Балашов	74545	—
Горний	74577	—
Ивантеевка	74579	—
Калининск	74549	—
Красноармейск	74550	22936
Красний Кут	74560	—
Новне Бураси	74557	—
Новоузенск	74562	—
Озинки	74576	—
Ртищево	74540	—
Самойловка	74548	—
Степное	74566	21953
Татишево	74558	—
Свердловск области		
Алапаевск	34346	56422
Артемовск	34363	—
Асбест	34365	24009
Белоярский	34377	21222
Каменск-Уральский	34378	30351
Карпинск	34313	22599
Краснотурьинск	34314	22299
Красноуфимск	34394	—
Нижние Серги	34396	—
Нижний Тагил	34351	23009
Первоуральск	34392	22609
Ревда	34397	42325
Серов	34315	24301
Сухой Лог	34373	22884
Тошкент области		
Оққўрғон	255	91222
Олмалиқ	261	42222
Ангрен	2660	2222
Оҳангарон	2640	2222
Бекобод	2910	2222
Бўка	257	35222
Ғазалкент	274	21409
Гулбаҳор	258	76222
Зафар	293	21222
Калинин	297	54222
Келес	296	56222
Қибрай	295	61222
Паркент	272	92222
Пискент	254	29260
Солдатский	256	72222
Тўйтепа	276	21222
Чиноз	259	21300
Чирчиқ	271	52222
Янгийўл	260	72222
Янгибозор	298	91013

Квартира телефонларидан кредитга шаҳарлараро сўзлашув учун тўлов счёти кўрсатилган вақтдан бошлаб 15 кун мобайнида тўланиши керак.

Абонент счёт тўлови ҳақидаги ҳужжатни 3 йил ўзида сақлаши лозим.

Белгиланган муддатда счёт тўлови тўланмаган тақдирда алоқа корхонаси телефонни узиб қўйиш ҳақида абонентни огоҳлантиради.

Шундан кейин абонент ҳисоб-китоб қиладиган алоқа корхонасига бу ҳақда маълум қилиб қўйиши керак.

Агар абонент огоҳлантиришдан кейин ҳам 5 кун ичида қарзини тўламаса телефон узиб қўйилади.

Абонент счёт бўйича қарзи узилганлиги ҳақидаги ҳужжатни кўрсатгандан кейин ва телефон қайта уланганлик учун 2 сўм тўлагандан сўнггина унинг телефони 3 кун ичида улаб қўйилади.

Агар телефон узиб қўйилгандан кейин бир ой мобайнида абонент қарзини тўламаса — у телефондан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилади ва тўланмаган қарзи мавжуд тартиб-қоида йўли билан ундириб олинади.

Телефондан индивидуал фойдаланувчилар, шунингдек корхона, муассаса, ташкилотлар, жумладан, меҳмонхоналар, ётоқхоналар, санаторийлар, дам олиш уйлари, чет эл ваколатхоналари ва шаҳарлараро ташкилотларнинг телефон эгалари шу телефонлар орқали шаҳарлараро гаплашув учун тўла моддий жавобгардирлар.

Коллектив фойдаланишдаги телефон учун жавобгар шахслар бегона кишилар шу телефондан фойдаланганлиги учун ҳам моддий жавоб берадилар.

Телефон хабарлари тўғрисидаги ҳар қандай справкалар алоқа корхоналари томонидан фақат телефон эгалари ёки унинг қонуний вакилларига берилиши мумкин.

Шаҳарлараро сўзлашув тўловларини ўз вақтида тўлашингизни илтимос қиламиз.

Абонент участкалари ташриф буюрувчиларни қуйидаги вақтларда қабул қилади:

Иш кунлари: — соат 16.00 дан 20.00 гача.
Шанба кунлари — соат 9.00 дан 18.00 гача.
Дам олиш куни — якшанба.

Қуйидаги телефонлар номерларини улашда ўзгаришлар рўй берди:

Киевда 30xxxx дан 430xxxx га; 31xxxx дан 431xxxx га; 34xxxx дан 434xxxx га; 35xxxx дан 435xxxx га; 36xxxx дан 416xxxx га; 37xxxx дан 417xxxx га; 38xxxx дан 418xxxx га; 39xxxx дан 419xxxx га ўзгарди.

Москвада 2507000 — 2507599; 2507900 — 2507999 номерлари 9227000 — 9727999 га ўзгарди.

Справка учун телефон 2540561.

5546xxx — 5549000 телефон номерлари янги АТС—559 га ўтказилиб телефон номерлари тўла ўзгартирилди;

Справка учун телефон 5930666.

Новосибирскда 2xxxx, 5xxxx, 6xxxx дан 24xxxx, 25xxxx, 26xxxx га, 72xxxx, 79xxxx дан 42xxxx 49xxxx га ўзгарди.

Справка учун телефон — 245300.

Олмаотада «АХБК» телефонлари 269900—269999 дан 279900 — 279999 га ўзгарди.

РЕСПУБЛИКА ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг
ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ҚОН ҚУЙИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

раҳбарлар: қон ва илик гравитацион хирургияси, фибринолиз қон ва тўқималарни ўрганиш;

катта илмий ходимлар: қон ва илик гравитацион хирургияси (2), патофизиологик лаборатория;

кичик илмий ходимлар: 1-гематология клиникаси, 2-гематология клиникаси, цитологик лаборатория, қон группаларининг стандартлаштирилишини ўрганиш ва иммунология, илмий-ташкилий бўлим, қон ва илик гравитацион хирургияси (3), фибринолиз, қон ва тўқималарни ўрганиш.

Конкурс муддати — 19 августгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700059, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 138-уй.

●

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги
ЎЗБЕКИСТОН «ИРГИДРОМАШ» ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ЗАВОДИГА

станокчилар (токарлар, фрезерчилар, каруселчилар, тиш чиқаргичлар, бурғуловчилар), газ-электр пайвандчилар, слесарь-инструменталчилар, технологик ва нестандарт ускуналар ва металл конструкцияларни йиғувчилар, гидравлик ускуналарда ишловчилар, станоклар ҳамда қуюв ишлаб чиқаришнинг созловчилари, пайвандлаш ускуналарини созловчилар; қуюв ишлаб чиқаришнинг мутахассислари, кранчилар, электрокарлар, оғир юк ташувчи автомашиналарнинг ҳайдовчилари, К-700 тракторининг ҳайдовчилари

КЕРАК

Иш ҳақи — ишбай—мукофотли.

Завод қошида ўқув комбинати бор. Ўқиш пайтида стипендия тўланади.

Заводда ётоқхона, болалар боғчаси, ясли мавжуд. Навбат тартиби билан Нариманов шаҳрида квартира берилади.

Ишчиларни завод автотранспорти ташийди.

Бизнинг адрес: Нариманов шаҳри, Лихачев кўчаси, 41-уй (121, 133-автобусларнинг «Водник» бекати). Телефон 90-34-39.

●

КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1984 йил
1 АВГУСТДАН БОШЛАБ

чет эл, марказий, республика, область, шаҳар, район газета ва журналларига

1985 ЙИЛ УЧУН
ОБУНА БОШЛАНДИ

Корхоналар ва муассасалардан обуна 1984 йил 31 августгача қабул қилинади.

Обуна барча «СОЮЗПЕЧАТЬ» агентликларида, алоқа бўлимларида ва иш жойларида, шунингдек жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг матбуот тарқатиш бошқармаси.

●

АВТОҲАВАСКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ташавтотехобслуживание» ишлаб чиқариш бирлашмасининг
ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СТАНЦИЯЛАРИГА

«Москвич» ва «Запорожец» маркали автомашиналарнинг ремонти учун зарур бўлган эҳтиёт қисмларининг катта партияси келиб тушди.

Ҳозир йиғилган ҳолда М-412 ва ЗАЗ-968М кузовлари бор.

Спорт

ФУТБОЛ:

ДИНАМОЧИЛАР ДАМ ОЛГАНДА

Иккинчи лиганинг Ўзбекистон зонасида куч синашаётган коллективлар ўртасида пешқадам ўзгарди. Маълумки, Самарқанд динамочилари учрашувларда мағлубиятсиз ўйнаб, биринчи ўринни эгаллаб келишаётган эди. Бу команда «СССР кубоги-85» соврини учун курашда ҳам муваффақиятли куч синашиб, мухлисларни мамнун этмоқда. «Динамо» кубок учун курашнинг 1/16 финалида «Жальгирис» футболчилари билан учрашадиган бўлди. Кубок ўйинлари билан банд бўлган «Динамо» чемпионат ўйинларида қатнашолмади. Чунончи, аввалги турда «Амударё» майдонида ўтказилиши лозим бўлган учрашув қолдирилганди. Динамочиларнинг навбатдаги турда «Целинник» командасининг меҳмони бўлиши ҳам сентябрь ойига кўчирилди. Пешқадамликка асосий даъвогарлардан ҳисобланган Фарғонанинг «Нефтяник» коллективи эса мавқеини мустаҳкамлади. Улар навбатдаги учрашувни «Наримановчи» футболчилари билан ўтказиб (6:1), очколарини 39 тага етказишди. Жами 3 ўйинни кам ўтказган самарқандлик футболчилар 37 очко билан иккинчи ўринни эгаллаб туришибди. Наманганнинг «Автомобилист» командаси 31 очко билан учинчи ўринда бормоқда. «Соҳибкор» 29, «Сурхон» 28 тадан очко тўплашган.

СОВРИНЛАР ВА ЎРИНЛАР

● ЧИМ ХОККЕЙ. Сумм шаҳрида қизлар ўртасида ўтказилган СССР чемпионатида Марғилоннинг «Шелковичка» коллективи бронза медали совриндори бўлди.

● ЧАВАНДОЗЛИК. Москвада ўтказилган мамлакат чемпионатида ўзбекистонлик А. Ахметшин тўсиқлардан ошиш баҳсида кумуш медални қўлга киритди.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетининг чет элларга эшиттиришлар редакциялари коллективи радионинг кекса собиқ ходими, пенсионер

Хадича МАЪСУДОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумининг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти коллективи ҳозирги замон лексикология ва лексикография бўлимининг илмий ходими Ҳ. Исмоиловга онаси

Кароматхон ЙЎЛДОШЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Р. 09385. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. В. — 186. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12